

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Навоий шаҳри

2023 йил 13 сентябрь

Кармана туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.Хамидов XXXXXXXXXXXX томонидан жавобгар XXXXXXXXXXXXга нисбатан тақдим этилган даъво аризаси бўйича қўзғатилган ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

XXXXXXXXXXXX (бундан буён матнда даъвогар ёки Марказ деб юритилади) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, XXXXXXXдан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 000000000 сўм икки қарра ижара тўловини ундиришни сўраган.

Даъвогар томонидан жавобгарга даъво аризаси нусхаси юборилган бўлсада, жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр, даъвога қарши эътирозларни тасдиқловчи далиллар ва ишга алоқадор бошқа ҳужжатлар судга тақдим қилинмади.

Суд, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли Қарори (бундан буён матнда Қарор деб юритилади)нинг 3-бандида, давлат мулки юридик ва жисмоний шахсларга марказлар орқали ижарага берилиши белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, XXXX куни XXXXXXXXXXXX томонидан жавобгарга тегишли давлат объектида хатлов (ўрганиш) ўтказилганда жавобгар балансидаги давлат объектининг XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX томонлама ижара шартномаси тузмаган ҳолда фойдаланаётганлиги аниқланган ҳамда бу ҳақда тегишли маълумотнома расмийлаштирилган.

Қарорнинг 6-бандига кўра, давлат мулкани балансида сақловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотлар марказларга ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавоб бериши, давлат мулкани ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сони атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бунинг натижаси ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги ҳолати аниқланган тақдирда марказ бузилиш аниқланган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида, белгиланган тартибда давлат мулкидан фойдаланганлик даври учун ижара тўловини икки баравар миқдорда ҳисоблаб чиқиши ва уни ундириш учун тегишли ҳужжатларни балансида сақловчига тақдим этиши, ҳисоблаб ёзилган



тўлов суммаси балансида сақловчи томонидан тўланмаган тақдирда давлат мулки жойлашган жойдаги марказ ҳужжатлар балансида сақловчига тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш кун ичиде ўтгач ҳисоблаб ёзилган тўлов суммасини белгиланган тартибда ундириш учун материалларни судга топшириши белгиланган.

Даъвогар Қарор талабидан келиб чиқиб, жавобгарга XXXXXXXXгача ҳисобланган ижара тўлови суммасини икки баравари миқдорини 10 кунлик муддат ичиде ихтиёрий тўлаб бериш ҳақида XXXXXXXX-сонли талабнома билан муурожаат қилган.

Аммо, жавобгар томонидан талабномага нисбатан муносабат билдирилмаган.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Шу боис суд, даъвогар томонидан жавобгарга нисбатан балансидаги давлат объекти бўйича давлат мулкани ижара шартномаси тузмасдан ижарага берганлик ҳолати юзасидан икки баравар миқдорда ҳисобланган 00000000 сўм ижара тўловини асосли ҳисобланган деб баҳолайди ва даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб топади.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Шу боис суд, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179 ва 203⁵-моддаларини қўллаб, суд

қарор қилди:

Даъво талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгар XXXXXXXXXдан:

- XXXXXXXXXX фойдасига 00000000 сўм икки карра ижара тўлови ва олдиндан тўланган 00000 сўм почта харажатлари;

- давлат бюджетига 00000000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қарори ўн кун ўтгач қонуний кучга киради. Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кун ичиде Кармана туманлараро иқтисодий суди орқали Навоий вилоят судига апелляция тартибиде шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

А.Ҳамидов

